ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

# ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

**Мунаввар Абдуллаевна Шералиева**
Термиз давлат университети ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Оилада мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг педагогик-психологик саводхонлигини ошириш методикаси хақида сўз боради.

**Калит сўзлар.** Педагогика, ёш, мактаб, оила, психология

# METHODOLOGY OF INCREASING PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL LITERACY OF PARENTS IN PREPARATION OF PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION IN THE FAMILY

## ABSTRACT

This article discusses the methods of increasing the pedagogical and psychological literacy of parents in the preparation of preschool children for school education in the family.

**Keywords:** Pedagogy, age, school, family, psychology

## КИРИШ

XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб Марказий Осиёда болалар мактабгача ижтимоий тарбияси гоялари етилди. Уша даврда тараккийпарвар махаллий зиёлилар мехнаткаш аёлларнинг огир ахволини ва болалар назоратеизлигини Кўриб, уларнинг кисматини енгиллаштиришга интилади. Бу зиёлилар вакиллари 1872 йилда Туркистонда тузилган “Жамията хайрия” таркиб ига кирган эди. “Жамияти хайрия” томонидан мискинлар уЙлари, тунаш жойлари, тугрук жойлари билан бир каторда ота-онаси булмаган болалар учун етимхонларни ташкил этди. Бу етимхоналар оз сонли болаларни бутун Туркистонда тахминан 150-200 кишини Уз ичига олди. Ушбу етимхоналар ясли ёшдаги болалардан тортиб, мактаб ёшидаги болаларни хам камраб олган. 1896 йилда Туркистонда воситалар кенгаши камбагалларнинг болалари учун “ясли”лар деб аталадиган муассасаларни туза бошлади. Яслиларга атак-чечак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

кила бошлаган болалар кабул килинган ва мактабга кетгунга кадар тарбияланган болалар кун буйи болалар яслида булишар ва уч марта овкатлантирилар эди. Ясли ишларини назоратчи аёл бошкарган, хизмат килувчи ходимлар хам булган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу муассасада болаларни дуолар ўқишга (дуогуйликка), оддий ўқишга, ёзишга, санашга, тукишга, тикишга ва бошка ҳунарларга ўргатилган. Бутун ўлка буйлаб шундай яслилардаги болалар сони 50-60 боладан ошмас эди, Туркистонда камбағалларнинг болалари учун Тошкент, Самарканд, Сирдарё, Наманган шаҳарларида еттихоналар ташкил этилган. Имтиёзли синфларнинг болалари учун 1891 йилда “Богдорчилик” жамияти томонидан Тошкент истирохат богида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун “Болалар майдончаси” туридаги биринчи болалар богчалари очилди. Болалар богчаси учун истирохат боги майдонидан серсоя жой ажратиб берилди. Майдончада аргимчок, кайиклар, катта аргимчок (устунга осилган) урнатилди ва хилма-хил уйинчоклар тайёрланди. Майдончада гулзор катта уринни эгаллаб, болалар узлари усимликларни парвариш килишарди. 1891-1903 йиллар давомида маблаг йукликги сабаблибогча бир неча марта ёпилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таълим-тарбияга оид илгор гояларнинг таъсири остида Тошкентда 1903 йил февраль ойида “Оилавий таълимтарбиявий тугараги” ташкил килинди. Тугарак ҳарбий министрлик ва Халк маорифи томонидан тасдикланган Устав асосида иш бошлади. У уз олдига куйидаги вазифаларни:

1. Болаларга таълим-тарбия бериш усулларини ривожлантириш ва такомиллаштиршцда ёрдам бериш;

2. Педагоглар билан ота-оналарни ва болалар тарбияси ишини бошкарадиган кишиларни(оила, мактаб ва болалар богчасининг ягона тарбиявий таъсир этишини белгилаш максадида) бир-бирларига якинлаштиришни куяди. Бу тугаракда мактабгача секцияси хам фаолият курсатган. Таълимтарбия тугараги юзага келгунга кадар болалар богчасининг тарбиявий ишида муайян педагогик тизим йук эди, шу сабабли тугарак аъзолари болалар тарбияси билан боглик масалаларни мухокама килишар эди. Бола шахеининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир, деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вактда инсон тирик, биологик мавжудот хамдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг конуниятлари хам мухим ахамиятга эга. Шунингдек, шахе бир бутун мавжудот сифатида бахоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий конуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб булмайди. Чунки шахснинг фаолияти, хаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бопща фожиали холатлар, касалликлар хам таъсир этади. Инсон бутун умри давомида узгариб боради. У хам ижтимоий, хам психик жихатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия максадга мувофик булса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида узига муносиб урин згаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради. Шахснинг фазилатларини тугри куриш ва бехато бахолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тугри хал этиш учун унинг хулкига таъсир этувчи омиллар, шахе хусусиятларини яхши билиш зарур. Тарбия болага самарали таъсир этиши учун усиш ва ривожланиш шахе сифатида ривожланиб, тараккий этиб бориши, унинг шахе булиб камолга етишида наел (биологик омил), ижтимоий мухит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, максадга мувофик амалга ошадиган тарбия хам бирдек ахамиятга эга. Бу омилларнинг таъеирини аниклашда илгор педагогик одимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади. Фалсафада шахсни жамият билан боглик булган ижтимоий хаётдаги мураккаб вокелик деб карал ади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муноеабатларига боглик, деб хисоблайди. Хакикатдан хам, шахе мехнат фаолияти таъсирида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса уз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахе маълум ижтимоий хаёт махсулидир. Жамият шахе камолотининг муайян имкониятларини руёбга чикаришиёки йук килиши мумкин. Шахснинг шаклланишига ижтимоий мухит хам таъсир курсатади. Ижтимоий мухитнинг шахснинг шаклланишига таъсири тарбия асосида кечади. Зеро, биринчидан, тарбия таъсирида мухит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, мехнат ва техник фаолият билан боглик куникма ва малакалар хосил булади. Иккинчидан, тарбия туфайли тугма камчиликлар хам бартараф этилиб, шахе камолга етади. Учинчидан, тарбия ёрдамида мухитнинг салбий таъеирини хам йукотиш мумкин. Туртинчидан, тарбия келажакка каратилган максадни белгилайди. Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бундай тарбия доимий ва узлукеиздир. Шундай килиб, бола шахеининг ривожланишида тарбия хам етакчи Принта эга булиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила мухити,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

ижтимоий мухит таъсирида хар томонлама ривожланишга кодир, деган хулосани чикариш мумкин. Замонавий педагогикада шахе шаклланишига дойр турт ендашув карор топтан:

1. Биологик ёндашув - инсон табиий мавжудот булиб, унинг бутун хатти-харакатлари тугма инстинкт ва эхтиёжлар натижа-сидир. Инсон жамият талабларига буйеунишга мажбур, шу билан бирга табиий эхтиёжларини хам намоён килиб боради.

2. Ижтимоий ёндашув - инсон биологик мавжудот сифатида тугилади, факат хаётий фаолияти давомида бошкалар билан доимий мулокот ва ижтимоий гурухдарнинг таъсири остида ижтимоийл ашдди.

3. Психологик ёндашув - инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий тавсифга эга, инсоннинг йуналганлиги - кизикишлари, крбшшятлари ижтимоий ходиса саналади.

4. Яхлит ёндашув - шахе яхлит тавсифга эга булиб, унинг ривожига нафавдт унинг фаолиятидаги узига хосликлар, балки турмуш тарзи хам таъсир курсатади. Шу билан бирга ижтимоий хаёт натижалари - мотив, максад, кизикиш кабилар хам унинг ривожланишида мухим роль уйнайди. Муайян бир ёш даврига хос булган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни хисобга олган холда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли булади.

## ХУЛОСА

Болаларнинг тарбиясига тугри ёндашиш, уни муваффакиятли укитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни хдеобга олиш мухимдир. Чунки бола организмининг усиши хам, ривожланиши хам, психик таракдий этиши хам турли ёш даврларида хилма-хил булади. Абу Али ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлонийлар хдм болани тарбиялаш зарурлигини уктириб уттан. Боланинг узига хос хусусиятини хисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар хам психик жихатдан турлича булиши мумкин. М: куриш ва эшитиш кобюшяти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ховликма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, сергайрат ёки гайратсизлиги, ялков ёки тиришкокдиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йигинчоклиш ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири булиб, тарбиячи уларни билиши зарур. Боланинг индивидуал, узига хос хусусиятини билиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00729

учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг узига хос хусусиятини урганиш методикасини билиш мухим. Темперамент (лот. “temperamentum” - кисмларнинг бир-бирига муносабати) шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Мактабгача ёшдаги боланинг жисмоний ва психик камолоти шартли равищда куйидаги даврларга булинади:

- гудаклик (1 ёшгача);
- болалик ёши (1-2 ёш);
- илк ёш гурухи (2-3 ёш); - кичик ёш (3-4 ёш);
- урта ёш (4-5 ёш); - катта ёш (5-6 ёш);
- мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

## REFERENCES

1. Каримов И.А.Баркамол авлод орзуси / Туз.: Ш.Курбонов, ХСаидов, Р.Ахдиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рискиев. - Т.: “Шари” НМК Бош тахририяти, 1999. - 182 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод - Узбекистан тараккиётининг пойдевори. - Т.: “Узбекистон”, 1997. -6 2 б.
3. Кариме®. И.А. Жах,он молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароиттада уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. -Т .: “Узбекистан”, 2009. - 56 б.
4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар - тараккиёт омили. - Т.: “Узбекистон”, 1995. -2 4 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008. - 173 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. - Т.: “Узбекистон”, 1997. - 138 б.
7. Узбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. - Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа концерни. 1997. - Б. 20-29.
8. Узбекистон Республикасининг “Таълим тугрисида”ги Конуни / Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. - Т.: “Узбекистон”, 1997. - Б. 31-61.
9. Узбекистон Республикасининг Мактабгача таълим концепцияси. - Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. - 40 б.
10. Болажон таянч дастури, - Т. : “Sano-standart”, 2010. - 229 б